

# НУШУҚ

Mart

D	4	11	18	25	
S	5	12	19	26	
Ch	6	13	20	27	
P	7	14	21	28	
J	1	8	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Y	3	10	17	24	31

20-mart,  
chorshanba  
# 13  
(224)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

## НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



## БИР ЧИРОЙЛИК БАҲОР КЕЗАДИ!

Наврўз биз учун янги кун, янги ой, янги йил, янги ҳаётнинг бошланиши. Ҳар йилгидек бу гал ҳам гул эдик, кўчат ўтқаздик, ерга уруғ сочмоқдамиз. Чунки эртанги кундан умидимиз катта. Шунинг учун оламнинг яшнаганини, табиатнинг яшарганини, бултур эккан ниҳолларимиз нишонга кўрсатганини кўриб, оламга сигмай байрам қилмоқдамиз. Қиш гўборларини ювган баҳор ёмғирларидан сўнг буй кўрсатган дуркун майсалар каби истиқболга интилган олоқ ниятларимизни кувониб-кувониб Наврўз сайлига олиб чиқмоқдамиз.

Атрофимизда эса:

*Бир чиройлик баҳор кезади,  
Тошқин-тошқин кўшиги қонда.  
Ҳаёлларни бевўй безади,  
Армонлар ҳам арир армонда.  
Бир чиройлик баҳор кезади,  
Тоғ бошига минар камалак.  
Йилит бахтин тўқис сезади,  
Ҳисларида соч чайса малак.  
Бир чиройлик баҳор кезади,  
Ўз кўркини қилиб томоша.  
Кимни малол тилсиз эзади,  
Кимни висол етаклар шоша.  
Олқишларим бизларни бу кун,  
Туйғуларни тизгинсиз сойлик.  
Дўстлар, қаранг, баҳор кезади  
Бирам чиройлик.*

Ота-юртимиз, она-Ўзбекистонимиз истиқлолда яшаётгани учун ҳам баҳор чиройлик, кўклар кўккам ва дилбар.

Халқимиз зўр ғайрат ва умид билан порлоқ истиқболга интилаётгани учун ҳам Мустақилликнинг ўн биринчи баҳори чиройлик ва гўзал.

Оламини гўзаллик кутқаради, дейдилар. Одамни ҳам гўзаллик кутқаради — ғамдан, ташвишлардан, ҳар хил иллатлардан. Биз ҳазрати Инсонни гўзал ва бахтли кўрмоқ учун Мустақилликка интилганмиз. Чунки дунёда озод инсондан гўзал ва саодатли инсон йўқ, аслида. Юртимизнинг жасур ўғлонлари бу гўзаллик мустаҳкам, абадий ва тўқис бўлсин деб жон фидо қилдилар. Ҳаётимизда битта ҳам ҳақсизлик қолмагунча, юртимиз том маънода бахтлар водийсига айланмагунча Мустақилликни мустаҳкамлаш учун кураш давом этаверади.

Айтишларича, ўз даврининг энг давлатманд кишиларидан бири бўлган Алишер Навоий ҳазратлари бир умр ҳаж зиёратини орзу қилиб яшайдилару, лекин ҳар гал бу ниятини кейинга суриб, ўз сармояларини беморхоналар, мактаб-мадрасалар, кўприклар қуришга, ариқ очиб боғ-роғлар яратишга, бева-бечораларнинг ҳолидан хабар олишга сарфлайверган эканлар. Бир ғариб кўнглини шод айламоқчи Маккани обод айлашдан афзал кўрган улўф инсонгина бундай саховат соҳиби бўла олади.

Буюк боболаримизнинг энг яхши ишларини мерос қилиб олган олий-ҳиммат юртдошларимиз ҳам Наврўзни саховат ва меҳр-муруват байрамга айлантириб, Мустақилликнинг яна бир гўзал имкониятини рўйга чиқармоқдалар.

**Байрамингиз муборак бўлсин, Наврўзимиз абадий бўлсин, азизлар!**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Марказининг бир гуруҳ тингловчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси И.Собиров, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Эшонов қабулида бўлди. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

15 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментидида «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ҳафсизлигини таъминлашда прокуратура органларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази тингловчилари, департамент марказий маҳкамасининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Ташкент шаҳар ва Ташкент вилоятининг туман ва шаҳар прокурорлари, туман ва шаҳар прокуратуралари ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлимлари ва давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари қатнашдилар. Йилгилида хорижлик мутахассислар ҳам иштирок этдилар.

(Ўз мухбиримиз.)

РАҲМОН МИРЗААХМЕДОВ:

### «ЭРТАНГИ КУН УМИДИ БИЛАН ЯШАШ КЕРАК»

— Раҳмон оғанинг ҳаётидан ибрат олса арзийди, - деди Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Ҳақимбой Ҳалимов. — Чунки бундай адолатли инсонлар умри ёшлар учун катта мактаб бўлади.

2 - саҳифа



2002 ЙИЛНИНГ  
21 МАРТИДАН  
ШАРҚ ТАҚВИМИ  
БЎЙИЧА ОТ ЙИЛИ  
БОШЛАНДИ

ОТ —  
ЙИГИТНИНГ ҚАНОТИ

5 - саҳифа

АНОНС

**HUQUQ**

YURIDIK GAZETA

**Ta'sischiilar:**

O'zbekiston Respublikasi  
Bosh prokuraturasi,  
Toshkent shahar va  
Toshkent viloyati  
prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:  
**Abduxoliq**

**ABDURAZZOQOV**

**Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,  
Dilshod Islomov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat Yodgorov  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot  
qo'mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yatga olingan.  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34.

**Reklama va e'lonlar:**  
133-82-34

**E-mail:** huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalariga  
qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin. Gazetada bosilgan  
fakt va dalillar uchun  
muallif mas'ul.  
Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasida ofset  
usulida A-3 formatda  
chop etildi.  
Korxonalar manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149  
Nusxasi — 20.500  
Bosmaxonaga topshirish  
vaqti 20.00  
Bosmaxonaga  
topshirildi 20.00

Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**  
**H. NISHONOV**  
**Navbatchi: F.MAMASHARIPOV**  
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

● 2002 ЙИЛ - ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

*Хаётда шундай инсонлар борки, умрини халқ бахт-саодати учун бағишлайди. Нафақадаги ҳуқуқшунос Раҳмон ога Мирзааҳмедов ҳам қорақалпоқ халқининг ана шундай забардаст, жонкуяр инсонларидан.*

— Раҳмон оганинг ҳаётидан ибрат олса арзийди, - деди Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Ҳақимбой Ҳалимов. — Чунки бундай адолатли инсонлар умри ёшлар учун катта мактаб бўлади.

...Биз Раҳмон ога хонадонидамиз. Уйнинг саранжом-саришталиги, хонадон соҳибларининг озодаллиги бизнинг ҳам дилимизга равшанлик бахш этди. Раҳмон ога билан дилдан суҳбатлашдик.

— Менинг кўп йиллар ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлашимда турмуш ўртоғим Баянхон опангининг хизматлари катта. У мен ишдан чарчаб келган пайтларимда суянчиғим бўлди. Баъзида кўнглимни кўтарди, ҳамфикр, ҳамдард бўлди. Яқинда турмуш курганимизга 50 йил тўлади. Ярим аср — айтишга осон. Ана шу даврда ҳаётимизда нималар бўлмаган, дейсиз?

Мен ўзим ҳақимда гапирсам, қоманчоқлик бўлади. Шунинг учун ҳамма гапларни опангиздан сўраб олаверасиз. У менинг ҳаётимни беш бармоғидай билади...

Биз Баян опага юзландик. Опа бироз сукут сақлаб турди-да, секин гап бошлади.

— Раҳмон ога 1928 йилда деҳқон оиласида дунёга келган. Дадаси Мирзааҳмад ога касалманд одам эди. Шу боис Раҳмон 5 ёшидан бошлаб бувиси Аймек момо ва катта оғаси Хўжааҳмад қўлида тарбияланган. Ёшлиги уруш даврларига тўғри келган. Очарчилик. Эрак зоти борки, урушга кетган. 1941 йил охирида оилани аранг тебратиб турган оғаси Хўжааҳмад ҳам урушга кетади.

Илож қанча? Ойлага қарайдиган одам йўқ, лекин тирикчиликнинг ўзи

2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қарияларни қадрлаш йили бўйича Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурда давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қарияларни асраш ва авайлаш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш масалаларига доир чоратadbирлар ўз ифодасини топган.

Шу ўринда қарияларни қадрлаш борасида дунё ҳамжамияти томонидан олиб борилаётган айрим масалаларга эътибор қаратсак.

Кейинги 50 йил ичида дунёда ўртача умр кўриш 20 йилга узайди. Айни вақтда тўғилиш камайиб бормоқда. Натижада ер юзи аҳолиси орасида кекса ёшдагилар кўпайиб бормоқда. Аҳолининг кексайиши янги-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Қариялар жомасини равақ топтириш ва улардан муайян мақсадларда фойдалана олиш, шунингдек катта ёшдагиларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтириш, нафақага чиқиш амалиётини қўлай бориш, қарияларга тўлиқ бўлмаган иш кунлари жорий этиш, қариганда барқарор даромад ва медицина хизмати кафолатлайдиган шартномалар тузиш тизимини яратиш зарур масалалар ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қарияларни қадрлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. 1991 йилда БМТ Бosh Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарияларга тааллуқли тамойиллари» кексалик мақомига нисбатан беш соҳа бўйича умумий стандартларни белгиланган: мустақиллик, ҳамдардлик, парваришга эҳтиёж, мустақил ҳал этиш ва кекса авлодга ҳурмат-эътибор.

1992 йилда БМТ Бosh Ассамблеяси тўрт ялпи сессиясини қариллик муаммолари бўйича

**РАҲМОН МИРЗААҲМЕДОВ:**

**«ЭРТАНГИ КҮН УМИДИ БИЛАН ЯШАШ КЕРАК»**

бўлмади. Аввал бировларнинг ашиғида у-бу ишларни қилиб юриди. Бу билан оилани тебратиб бўлмади. Кунларнинг бирида Ажигали ога Қўстанов Аймек момолар хонадонига келиб уларнинг холидан хабар топгач (у киши Нукус шаҳар халқ судининг 2-участкасида ижрочи бўлган), Раҳмонни ёнига, суд мажлиси котиби қилиб ишга тақлиф қилади (ўша пайтлари Раҳмон оганинг 7-синф саводи бўлган).

Тиришқоқ йигит ишга ташна бўлганлигидан кеча-кундуз Ажигали ога ёнида бўлар, ундан иш ўргана эди. Кейин суд ижрочиси этиб тайинланди.

— Тўғриси, у пайтлари дипломли ҳуқуқшунослар йўқ ҳисоби эди, — дейди гапимизга қўшиларкан

Раҳмон ога. — Агар янгиланмасам, Қорақалпоғистон бўйича икки киши — Адлия вазيري А. Рябов ва тергов бўлими бошлиғи А. Акчуриннинг дипломи бор эди.

Раҳмоннинг оғаси Хўжааҳмаддан ҳам бедарак йўқолди деган хат келди.

1948 йили Раҳмон Мирзааҳмедов Нукус шаҳар прокурорининг ёрдამчиси бўлиб ишга ўтди.

1952 йили у Тошкент ҳуқуқшунослик мактабини, 1963 йили Ўрта Осиё дорил-фунқунининг ҳуқуқшунослик факультетини сиртдан тамомлайди. Кейин 11 йил Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бўлим бошлиғи, 9 йил Нукус шаҳар прокурори, 12 йил Қорақалпоғистон

Республикаси прокурорининг ўринбосари бўлиб ишлади. Ундан кейин 8 йил Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари вазифаларида ишлади.

Раҳмон ога нафақага чиққандан кейин ҳам тинч ўтирмади. 1990 йил декабрдан 1999 йил августигача

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцион назорат комитети бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлади.

...Раҳмон ога яна бизга юзланди:

— Ўғлим ҳаётда инсон эртанги кунга умид билан яшаши керак. Биз кўрган оғир кунларни болаларимиз кўрмасин.

Мана биз орзу қилган кунлар ҳам келди. Мустақиллигимиз абдий бўлсин.

Баян опага яна савол билан муурожаат қилдик.

— Раҳмон оганинг қайси филиалларини кўпроқ қадрлайсиз?

— Тўғрисиўлигини, камгаплигини, вафодорлигини. Биз шунча йил турмуш куриб, бир-биримизга суяниб, маслаҳатлашиб яшаганмиз. Ўқитувчиликдан нафақага чиқдим. Худога шукр, мана 6 нафар фарзандимиз, ўнлаб неварларимиз бор. Катта қизим Осиё — ўқитувчи, кейингиси Холда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ишлади. Ўғлим Абай, қизларим Қазина, Зулфия муаллим, кичик ўғлим Қуролбек муҳандис.

Биз Раҳмон ога ва Баян опалар билан хайрлашар эканмиз, уларга сихат-саломатлик тилаб, олтин тўйларидан учрашиб, улар ҳақда яна ёзишга ваъдалашдик.

**Н.ОҚНАЗАРОВ,**  
**«Хуқуқ» мухбири**



● **ҚУТЛОВ**

**ШИРИН ОРЗУЛАР БАЙРАМИ**

Баҳор уйғониш фасли. Бу фаслда нафақат дов-дарахтар, балки инсонларнинг қалбида ҳам янги орзулар уйғонади. Келажакка умид билан яшаётган одам борки, бир туп бўлса-да, кўчат эксам, боғ яратсам, дейди. Хар тонг маҳалламизнинг кўчаларини кезаман. Ҳовлисига турли хил гуллар, мевали дарахтар экётган кишиларга кўзим тушиб, дилим фаҳрга тўлади. Қандай ажойиб халқимиз бор-а, деган фикр ҳаёлимдан ўтади. Наврўз айёми эса савоб ишларнинг янада авж олишига ёрдამ беради. Маҳалламиз ҳақида гапирадиган бўлсак, худудимизда асосан кабелчилар яшайди. Кўпчилиги «Ташкенткабел» заводидан ишлади. Баъзилари шу даргоҳда ишлаб, бугун қариллик гашитини сураётган инсонлар. Улар билан тез-тез маҳалла идорасида учрашиб, муаммоларни ҳал қиламиз. Маҳалламизнинг чойхонасида «Маънавият маркази» ташкил қилганмиз. Кунчи кеча маҳалла аҳли билан чиқиб, марказимиз атрофида 100 туп атиргул экдик. Маҳалламизда 10 мингга яқин аҳоли яшайди. Яқинда, маънавият марказида фаоллар билан йиғилиш ўтказиб, уларнинг атрофида мевали ва манзарали дарахтар ўтказишга келишиб олдик. Маҳалла кўмитаси ўз ҳисобидан 100 туп турли кўчатларни сотиб олиб, кўчаларимиз ва уйларида атрофида экди.

Наврўз байрами арафасида нафақат тозалик ва озодалликка эътибор қаратилади. Наврўз нафақат баҳорги ишларнинг бошланиши, балки меҳр-мурувват байрамидир. Маҳалламизда 68 нафар уруш қатнашчиси, шунча бемор қариялар яшайди. Улар холидан ҳар доим хабар олиб тураемиз.

Наврўзни кўпчилик яшариш фасли, баҳорги юмушларнинг бошланиш фасли, дейишади. Мен баҳорни «Ширин орзулар фасли», деган бўлардим. Чунки бу фаслда инсон қалбидан янги эзуликлар ҳам пайдо бўлади. Улуг бобомиз Алишер Навоий бекорга «хар кунинг Наврўз бўлсин» деганган. Мен «Хўқўқ»нинг катта минбаридан туриб барча юртдошларимизни Наврўзи айёми билан кутлайман.

**Й. ХАЛИЛОВ,**  
Мирзо Улугбек тумани,  
Ф. Ҳўжаев номи маҳалла кўмитаси раиси

Муродилла АБДУҲАКИМОВ,  
ТДЮИ 3-курс талабаси



УЧРАШУВ

— Фахриддин ака, мана ярим асрдан ошдики ўз ижодингиз билан халқнинг хурматини қозониб келмоқдасиз. Шу давр ичида қанчадан-қанча байрам кечаларида, турли тадбирларда ўз кўшиқларингиз билан иштирок этгансиз. Шулар ҳақидаги хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Эҳ-хе, уларни ҳисоблаб таом қилиб бўладими? — жилмайиб жавоб беради ҳофиз. — Авваламбор, барчамиз интизорлик билан кутган муборак айём — Наврўз байрами билан халқимизни самимий кутлайман. Кўп йиллардан буён халқимизнинг шодлик кунларида хизмат қилиб келмоқдаман. У вақтларда Наврўзга бу каби эътибор қаратилмасди. Миллий байрам бўлгани учунми ёки бошқа сабабми, бу байрамни кенг нишонлашга руҳсат йўқ эди. Мана энди, миллатимиз анъаналари ва қадриятлари тикланиб, бундай ажойиб айёмларни катта томошалар, базму сайилар уюштириб нишонламоқдамиз.

Мен кўп китоблардан ўқидим, Наврўз байрами Урта Осиё давлатларининг барчасида бир неча хилларда намоён бўлади. «Наврўз» сўзи форс тилидан олинган бўлиб, «янги кун» маъносини билдиради. Март ойининг 21 кунидан бошланадиган янги кун, янги йил инсонлар учун жуда катта қувонч. Улар қишдан омон чиққидея шўрк қилишади, янги йилни янги режалар билан қарши олишади. Наврўз қалбларга куч-қувват, гайрат ва тетиклик бағишлайди. Табиатда уйғоғиш, жонланиш сезилади. Байрамнинг ўзига хос таомлари — сумалак, ҳалим, янги чиққан қўкатлардан сомсалар, чучваралар тайёрланади. Одамлар энг шимариб ободончилик ишларини бошлайди.

Санасак бу байрамнинг хислатлари жуда кўп. Яхши кунларни яхшилик билан эслашади. Мен ҳам иштирок этган тадбирларимни, жумладан, Наврўз сайилларини қувонч билан эслайман. Умуман, ушбу удулмар биздан илгари ҳам бўлган, бизгача етиб келди, умид қиламанки, бундан кейин ҳам бўлади.

— Фахриддин ака, ҳозирда муסיқанинг янги йўналишлари, куйлашнинг янги усуллари пайдо бўлди. Шу ўзгаришлар ўзбек муסיқа санъатини қайси тарафга олдирапти, салбийми ё ижобий?

— Заъқийнинг шундай мисралари бор:

*Агар иззатмалаб бўлсанг,  
камнаволик арзисин қилгил.  
Қайб ажрус бисёр бўлди,  
суд йўқ зиён бўлди.*

Яъни, агар халқнинг олдида қадр-қимматини йўқотмайин десаңг, ҳадеб эл орасида ўзингни кўпларга кўтариб манманлик қилаверма. Мен сизга бир нарсани айтиб бераман. Биз 70-йилларгача микрофондан фойдаланмаганми. Минг-икки минг кишилик давраларда ашула микрофонсиз айтиларди. Концертларга келган шинаванд бундан завқланарди, ором олиб миннатдор бўлиб кетарди.

ТАРАДДУД

Шарқнинг маъмурий ва маданий марказларидан ҳисобланган Самарқанд турли даврларда қурилган кўплаб тарихий обидалари билан ажралиб туради.

Шаҳримизнинг ўзбек халқининг тарихий ва маданий меросини асраб-авайлаб, жаҳонга машҳур этишдаги хизмати гоёят каттадир. Шаҳарга 1996 йилда мамлакатимиз Президентининг фармони билан «Амур Темур» ордени берилгани самарқандликлар қалбида ифтихор туйғусини уюбди.

Вилоят ҳокимлиги кейинги пайтда Самарқандни кўркам ва обод масканга айлантириш борасида жиддий ишларни бошлади. Бу ташаббусни ҳамшаҳарлар хайрихоҳлик билан қарши олдлар. Шаҳардаги учта туманининг барча худудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари билан шугулланувчи бир неча округлар тuzилди. Уларга маҳаллалар оқсоқоллари, уюстка ва солиқ нозирлари, давлат сангрия назорати ходимларидан доимий вакиллар бериштирилди. Қолаверса, шаҳардаги бирор ташкилот ё муассаса бу хайрли ишга камарбасталик қилишдан бош тортгани йўқ.

Темирйўл туманида бу борада олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Айниқса, Спитамен, Рўдакий, Гагарин, Беруний шохқўчалари-



# ЯХШИЛИК ҚИЛ, ЖАҲОН ЯХШИЛИК ОЛСИН

## ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ФАХРИДДИН УМАРОВ БИЛАН СУЎБАТ

Микрофон қўлланила бошланган сўн баъзи шинавандларнинг норозилигини ҳам кўрганми. Улар ҳофизнинг асл овозини эшитишга муштоқ эдилар. Лекин йиллар ўтиб, мана, кўникиб кетдик. Бугун техника ривожланиб турли қулайликлар яратилди. Улардан энг асосийси — фонограмма кенг тарқалди. Концертларда девяри барча кўшиқлар аудио тасмалар ёки дискларда қўйилапти, бу санъатнинг гўзаллиги эмас, албатта. Замонавий эстрадада учрайдиган яна бир салбий ҳолат шук, хонандалар бир-бирларининг кўшиқларини кўчириб, бироз ўзгаририб қуйлашади. Санъатимизнинг қадрига салбий таъсир этмоқда. Хонандаларнинг кўпайиши санъатимизни бир тарафдан бойитаетган бўлса, бир тарафдан сифатини пасайтирапти. Бўлсин, қанча кўп бўлса, шунча кам, лекин сифатни саклаш даркор.

— Айрим кўшиқлардаги сўзларчи, нега улар маъносиз бўлиб кетди? Ёки шoirларимиз ўзгарганими?

— Бугуннинг шинавандалари 20-25 йил олдинги шинавандалар эмас. Муסיқа оламида энгил-елли нарсаларга талаб кучаймоқда. Қўшиқ шеъри иккинчи даражали бўлиб қолди. Авваллари ашулалар тақсимча билан қуйланган. Кейинроқ ашулага соз қўшилди ва ашула қўшиқча айланди. Қўшиқ тингловчи га маънулоқ бўлди. Вақт ўтиб қўшиқча лирика жўр бўлди. Ҳозир рўзига талаб кучайди. Қўшиқнинг сўздан кўра, унинг шўх ритми рақс-севавр мухлисларга зарурроқ бўлиб қолди.

Она тилимизда чиройли, маънодор сўзлар ниҳоятда кўп. Аксарият хонандаларимиз соф адабий

сўзларнинг туб моҳиятини тушулмаганликлари туфайли шoirлардан содда шеърлари талаб қилинади. Масалан, сиз қаламқашсиз, сизга у сўзлар номаънулоқ. Мен ҳофизман, классик кўшиқ сўзларининг маъносини тушуниб ижод қиламан, менга ҳам у сўзлар номаънулоқ. Айни шу жиҳатлари билан хонандадан ҳофиз тубдан фарқ қилади. «Ҳофиз» сўзи «муҳофаза» сўзидан олинган. Ҳофиз ўз ижод маъсулини қалбидея сақлаб, уни муҳофаза қилиб, бошқаларга унинг маъносини тушунтириб бера олади. Аф-

тирасида, келажак ҳаётда мангу яшаши назарда тутилади.

— Фахриддин акага бераман деб тайёрлаган саволларим кўп эди. Навбатдаги саволни танлаб туриб ҳофизнинг чуқур ўйда дераздадан кўчага боқаетганига кўзим тушди. Шу сонияларда Фахриддин ака ўша ҳолатда ўтирганича гап бошлади.

— Бир кунни домла Гафур Фулом менга шундай дедилар:

— Фахриддин ўғлим, одамларнинг мактовидан қанча кўшиқ етмасин, уларнинг ҳасадидан бошинг ерга тегмасин. Узингни бирдай тут. Инсон қанча халқ эътиборида бўлса, унинг рақиблари шунча кўп бўлади. Дарахтнинг соясига қараб катталиги ўлчанса, одамнинг душманига қараб обрўси ўлчанайди. Сен инсонларнинг дилида бўлсанггина, уларнинг тилига чиқасан.

— Фахриддин ака, ёшларга муносабатингиз?

— Эй, Жаҳонгир ўғлим, мен ёшларни ҳурмат қиламан, уларга ҳавас қиламан. Бугун уларнинг билли олиши учун, пок максадларини амалга ошириш ва бахтли ҳаётлари учун барча қулайликлар бор. Замонамиз ёшлари илгариги ёшлардан фикри равшан, дунёқараш кенг ва ҳужуқий маънавиятлари юқори. Келажак Ватан олдидаги масъулиятини ҳис этиб, унинг истиқболи учун курашаётган ёшларники. Уларга тилагим йўлларидан адашмасин, барча улуг ниятлари амалга ошсин. Биздай боболарининг дуосига лойиқ бўлишин. Биз кўпичча ёшларни мингга киргин деб, дуо қиламиз. Бунда албатта уларнинг қилган савоб ишлари инсонлар хо-

тирасида, келажак ҳаётда мангу яшаши назарда тутилади.

— Ҳофизнинг ҳам санъатини хурмат қилган, кўшиқларини тинглаб завқланадиган ҳофиз бўладими?

— Албатта, мен Маъмулружон аканинг, Жўраҳон аканинг, Акбархон аканинг, Ҳожихон Болтаевнинг ижодларидан баҳра оламан. Эстрада асосини ҳисобланмиш Ботир Зокировнинг ижодини ҳурмат қиламан. Уларнинг куйлари бири биридан ёқими ва маъноли. Булар халқнинг дилида абадий яшайдилар.

Ҳофизнинг ҳар бир кўшиги унга гўёки фарзандидай, сабаби ҳар кўшиқ яралишида биз машаққат чекамиз, изланамиз, қидирамиз. Мен ҳаттоки ухлаган чоғимда ҳам кўшиқ айтاردим. Шундай пайтларда раҳматлик келиноийнгиз: «Эй ҳофиз, кундузи шунча кўшиқ қуйлаганингиз етмагандай, уйкуда ҳам қуйлайсизми?» деб ҳазиллашарди. «Сочининг савдоси тушди

бошимга бошдин яна» кўшигининг куйи ухлаётганимда келган. Шунча қаси ҳам бўлиб туради.

— Фахриддин акага бераман деб тайёрлаган саволларим кўп эди. Навбатдаги саволни танлаб туриб ҳофизнинг чуқур ўйда дераздадан кўчага боқаетганига кўзим тушди. Шу сонияларда Фахриддин ака ўша ҳолатда ўтирганича гап бошлади.

— Бир кунни домла Гафур Фулом менга шундай дедилар:

— Фахриддин ўғлим, одамларнинг мактовидан қанча кўшиқ етмасин, уларнинг ҳасадидан бошинг ерга тегмасин. Узингни бирдай тут. Инсон қанча халқ эътиборида бўлса, унинг рақиблари шунча кўп бўлади. Дарахтнинг соясига қараб катталиги ўлчанса, одамнинг душманига қараб обрўси ўлчанайди. Сен инсонларнинг дилида бўлсанггина, уларнинг тилига чиқасан.

— Фахриддин ака, ёшларга муносабатингиз?

— Эй, Жаҳонгир ўғлим, мен ёшларни ҳурмат қиламан, уларга ҳавас қиламан. Бугун уларнинг билли олиши учун, пок максадларини амалга ошириш ва бахтли ҳаётлари учун барча қулайликлар бор. Замонамиз ёшлари илгариги ёшлардан фикри равшан, дунёқараш кенг ва ҳужуқий маънавиятлари юқори. Келажак Ватан олдидаги масъулиятини ҳис этиб, унинг истиқболи учун курашаётган ёшларники. Уларга тилагим йўлларидан адашмасин, барча улуг ниятлари амалга ошсин. Биздай боболарининг дуосига лойиқ бўлишин. Биз кўпичча ёшларни мингга киргин деб, дуо қиламиз. Бунда албатта уларнинг қилган савоб ишлари инсонлар хо-

Жаҳонгир МАХСУМОВ  
суҳбатлашди

## ШАҲАР ГУЛГА БУРКАНАДИ

да олиб борилаётган сайқал бериш ишлари ўзига хос дид билан бажарилаяпти. Кўча четларига манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, бетон тўсиқлар ётқизиш, турфа гуллар эчиш учун майдончалар ҳозирлаш ишлари ниҳоятда етайиб бериб қолди. Хатто ҳар бир кўчада жойлашган бекат ва хонандаларнинг қайси рангда бўялиши ҳам шаҳар бош меъмури назоратига олинган.

Қилинган ишлар доимий равишда маҳаллий ахборот воситаларида ёритиб турилибди, шу аснода, баъзи танқидий фикрлар ҳам. Шаҳар кўчаларига экилаётган анвойи гуллар асосан Наманган ва Тошкент шаҳарларидан олиб келинапти. Бир сўз билан айтганда, дўстлик, биродарлик рамзи бўлган Самарқанднинг бу йилги жамоли аввалгиларидан тамоман ўзгача бўлади. Юз марта эшитгандан, бир бора кўрган афзал, дейдилар. Бўлажак гуллар шаҳрига барчангизни чорлаб қоламиз.

Азиз юртдошлар, ўлкаимизнинг ҳар бир гўшасини гулу-гулзорга айлантириш Сизу бизнинг кўлимизда. Ораста ва обод жойда хайр-барак бўлишини унутмайлик.

«Наврўз» айёмингиз муборак бўлсин!

Мухиддин БЕКМУРОДОВ,  
Темирйўл тумани прокурори

## ПРОКУРАТУРА ЎРДАМ БЕРДИ

Навоий туманидаги «Жалойир» ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Н.Очилов туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, «Зарафшон» агротир Зокировнинг ижодини ҳурмат қиламан. Уларнинг куйлари бири биридан ёқими ва маъноли. Булар халқнинг дилида абадий яшайдилар.

Ҳофизнинг ҳар бир кўшиги унга гўёки фарзандидай, сабаби ҳар кўшиқ яралишида биз машаққат чекамиз, изланамиз, қидирамиз. Мен ҳаттоки ухлаган чоғимда ҳам кўшиқ айтاردим. Шундай пайтларда раҳматлик келиноийнгиз: «Эй ҳофиз, кундузи шунча кўшиқ қуйлаганингиз етмагандай, уйкуда ҳам қуйлайсизми?» деб ҳазиллашарди. «Сочининг савдоси тушди

бошимга бошдин яна» кўшигининг куйи ухлаётганимда келган. Шунча қаси ҳам бўлиб туради.

— Фахриддин акага бераман деб тайёрлаган саволларим кўп эди. Навбатдаги саволни танлаб туриб ҳофизнинг чуқур ўйда дераздадан кўчага боқаетганига кўзим тушди. Шу сонияларда Фахриддин ака ўша ҳолатда ўтирганича гап бошлади.

— Бир кунни домла Гафур Фулом менга шундай дедилар:

— Фахриддин ўғлим, одамларнинг мактовидан қанча кўшиқ етмасин, уларнинг ҳасадидан бошинг ерга тегмасин. Узингни бирдай тут. Инсон қанча халқ эътиборида бўлса, унинг рақиблари шунча кўп бўлади. Дарахтнинг соясига қараб катталиги ўлчанса, одамнинг душманига қараб обрўси ўлчанайди. Сен инсонларнинг дилида бўлсанггина, уларнинг тилига чиқасан.

— Фахриддин ака, ёшларга муносабатингиз?

— Эй, Жаҳонгир ўғлим, мен ёшларни ҳурмат қиламан, уларга ҳавас қиламан. Бугун уларнинг билли олиши учун, пок максадларини амалга ошириш ва бахтли ҳаётлари учун барча қулайликлар бор. Замонамиз ёшлари илгариги ёшлардан фикри равшан, дунёқараш кенг ва ҳужуқий маънавиятлари юқори. Келажак Ватан олдидаги масъулиятини ҳис этиб, унинг истиқболи учун курашаётган ёшларники. Уларга тилагим йўлларидан адашмасин, барча улуг ниятлари амалга ошсин. Биздай боболарининг дуосига лойиқ бўлишин. Биз кўпичча ёшларни мингга киргин деб, дуо қиламиз. Бунда албатта уларнинг қилган савоб ишлари инсонлар хо-

Жаҳонгир МАХСУМОВ  
суҳбатлашди

## ШАҲАР ГУЛГА БУРКАНАДИ

да олиб борилаётган сайқал бериш ишлари ўзига хос дид билан бажарилаяпти. Кўча четларига манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, бетон тўсиқлар ётқизиш, турфа гуллар эчиш учун майдончалар ҳозирлаш ишлари ниҳоятда етайиб бериб қолди. Хатто ҳар бир кўчада жойлашган бекат ва хонандаларнинг қайси рангда бўялиши ҳам шаҳар бош меъмури назоратига олинган.

Қилинган ишлар доимий равишда маҳаллий ахборот воситаларида ёритиб турилибди, шу аснода, баъзи танқидий фикрлар ҳам. Шаҳар кўчаларига экилаётган анвойи гуллар асосан Наманган ва Тошкент шаҳарларидан олиб келинапти. Бир сўз билан айтганда, дўстлик, биродарлик рамзи бўлган Самарқанднинг бу йилги жамоли аввалгиларидан тамоман ўзгача бўлади. Юз марта эшитгандан, бир бора кўрган афзал, дейдилар. Бўлажак гуллар шаҳрига барчангизни чорлаб қоламиз.

Азиз юртдошлар, ўлкаимизнинг ҳар бир гўшасини гулу-гулзорга айлантириш Сизу бизнинг кўлимизда. Ораста ва обод жойда хайр-барак бўлишини унутмайлик.

«Наврўз» айёмингиз муборак бўлсин!

Мухиддин БЕКМУРОДОВ,  
Темирйўл тумани прокурори

Мухиддин БЕКМУРОДОВ,  
Темирйўл тумани прокурори

Мухиддин БЕКМУРОДОВ,  
Темирйўл тумани прокурори

Мухиддин БЕКМУРОДОВ,  
Темирйўл тумани прокурори

Мухиддин БЕКМУРОДОВ,  
Темирйўл тумани прокурори

Мухиддин БЕКМУРОДОВ,  
Темирйўл тумани прокурори

Мухиддин БЕКМУРОДОВ,  
Темирйўл тумани прокурори



Яна баҳор келди — яшнади олам. Табиатда ҳам, одамлар чехрасида ҳам кўтаринкилик, ўзгача жонланиш. Олпоқ гулга бурканган дов-дарактлар шоҳлари кўклам шаббодасида майин тебранади. Ҳатто қушлар сайроғи ҳам ўзгача. Бўғот бошига кўнган икки қалдирғоч узоқ манзиллардан эсон-омон етиб келганликларига шукроналар айтиб, чуғурлашади.

Ариқларни тўлдириб оқётган зилол сувлар овози киши баҳри дилини очади. Қир-адирларга қўй-қўзилар ёйилиб кетган, бобо деҳқон ҳам кетмонини елкасига олиб даласи томон отланганига анча бўлган. Унинг режалари улуг. Келатган йилдан умиди катта. Дала шийпонлари, маҳалла гузарлари, кўча-кўйлар ораста. Юртимизда Наврўзи олам кезиб юрибди. Ҳамма ерда шоду-хуррамлик, байрам нашидаси устувор. Бундай дамларда табаррук отахон ва онахонларимиз дошқозонлардаги Наврўз неъматлари — сумалагу ҳалимларни тарқатиш олдидан фотиҳага қўл очадилар. Тандинлардан кўк сомсалар узилсади, дастурхонларга тортилади. Қадим-қадимдан ана шу баҳорий таомларнинг ўз тарихи ва ўз ривоятлари бор. Улар замирига яхшилик, эзгулик, қадр-қиммат асос қилиб олинган.

сахарда у яна сувга бориб бироз ўтирибди. Шу пайт орқасида нимадир шитирлабди, қараса буталар орасида ўзига таниш кийик кўринибди. Оғзида бир тутам ўт. Оху аста келиб ўтларни Ойбарчиннинг олдига ташлабди. Узи эса олдинги оёқларини ерга икки-уч марта уриб, ҳадеб ўтни кўрсатармиш. Ойбарчин аввалига бунда нима ҳислат бор экан деб ҳайрон бўлибди. Кейин ўтни кўлига олибди. Шундан кейин оху бошини сарак-сарак қилиб тоғ томонга кетибди. Ойбарчин бу сафарги воқеани ҳеч кимга айтмабди. Шундан кейин ҳар гал булоқ бошига бориб, оби ҳаётга қараганда қайнонасининг кулимсираб турганини кўрадиган бўлибди.

Ойбарчин ўйлай-ўйлай, бу икки ҳолатда қандайдир боғлиқлик бўлса керак, деган хулосага келибди. Эртаси куну у булоқдан тошиб чикиб жилга ҳосил қилган ариқ лабидан кийик олиб келган ўтлар-

# ДАРМОНДОРИ ТАОМ

Газетанинг навбатдаги, Наврўз байрамига бағишланган сони режалаштирилиб, менинг чекимга Наврўз таомларидан бўлимиш ҳалим ҳақида материал тайёрлаш тушганда, очиги, хотиржам қабул қилдим. Нарӣ бора бирор газетдаги ҳалимни тайёрлаш усулидан фойдаланаман, деб ўйлаган эдим. Аммо, «Ўзбек халқ таомлари» китобида ҳамда марказий газеталарининг бирида чоп этилган бу баҳор таомини тайёрлаш ҳақидаги маслаҳатларни ўқидиму, янглишганимни сездим. Сабаби, улар бири бирдан фарқ қилар эди. Камина ҳам шу пайтгача «Мевасини еб, боғини суриштирма» мақолига амал қилган ҳолда ҳалимни тановул қилиб юраверибману, тайёрлаш ҳақида эса қизиқиб ҳам кўрмабман. Шунда бевосита ушбу таомни тайёрлаш билан шуғулланадиган ошпаз билан суҳбатлашишга қарор қилдим.

Тўғриси айтиш керак, уста ошпазни топиш осон бўлмади. Маълум бўлишича, таомни унча-мунча ошпаз тайёрлай олмас экан.

Мана, излай, излай, Яккасарой туманида истиқомат қилувчи Абдулазизхожи отанинг хонадонидаман.

Ёши саксонни қоралаб қолган бу ота-боболари ҳам уста ҳалимчи бўлиб ўтишган экан. Афсуски, отахонни учрата олмадим. У киши санаторияга, дам олишга кетган экан. Фарзандлари отанинг кўплаб шогирдлари борлигини айтиб, улардан бирини тавсия қилишди. Шундай қилиб, бугунги суҳбатдошимиз миллий ҳамда европа таомларининг моҳир ошпази Абдунаби Муҳаммаджонов:

— Ҳеч кимга сир эмаски, баҳор келиши билан халқимиз бугдойдан сумалак, ҳалим, турли кўкатлардан эса чучвара, сомса каби таомларни тайёрлашни бошлайди. Бу албатта, бежиз эмас. Қунарл исихи билан бутун борлик уйғонади. Бу ҳолатдан инсон ҳам мустасно эмас, албатта. Айнан ўша пайтда, кишилар ўзида чарчок, ҳорғинлик сезишади. Бунинг олдини олиш учун эса доно аجدодларимиз қадимдан юқорида номлари келтирилган таомларни тайёрлаб келишган. Мисол учун паловни олайлик. Асосан гуруч, гўшт ва сабзидан тайёрланади. Тўйимлиги қай даражада эканлигини ҳам биласиз. Энди, суҳбатимиз мавзуси бўлган ҳалимнинг асосини нима ташкил қилади? Асосан, гўшт, бугдой ва сут. Ҳалим ҳам паловдан қолишмайди. Бундан ташқари парҳез таом сифатида ҳам машҳур. Кўплаб беморларнинг айнан шу таом тўғрисида дарддан фориғ бўлганларига гувоҳман.

Инсон учун бундан ортик дармон-дори бўладими?  
— Абдунаби ака, ҳалим қачон ва қанақа пайдо бўлган экан, ҳеч қизиқиб кўраёلمисиз?

— Албатта, устозлардан эшитишимча, ҳалим тахминан XIV-XV асрларда пайдо бўлган экан. Ўша пайтларда қозонда бугдой қайнатилиб, бир бузоқ ҳам сўйилади. Бузоқнинг гўшти ҳам қозонга тушади. Таом пилшанда қарашса, қаттиқ эмиш. Шунда, ситирнинг сутидан кўшишади. Таом юмшади, қолади.

У пайтларда сумалак билан ҳалим асосан бой, ўзига тўқ одамлар томонидан тайёрланиб, халққа эҳсон сифатида тарқатилган экан. Эшитганларим шу.

Шу ўринда устозим Абдулазизхожи ота ҳақида икки огиз тўхталиб ўтсам. Илгарилари ҳам ҳалим тайёрлар эдим, ишимдан унчалик қониқмасдим. Айнан ўша пайтларда у киши ҳақида эшитиб юрар эдим. 1985-86 йиллар бўлса керак, бир жойда халми тайёрлашларини эшитиб, ўша жойга етиб бордим. У кишига учрашиб, шогирдликка олишларини сўрадим. Бажонидил рози бўлдилар. Мана, шукрлар бўлсинки, ўшандан бери биргамиз. Не-не жойларда биргаликда ҳалим тайёрлаб, халқимизнинг дастурхонига тортиқ этдик. Насиб қилса, бундан буён ҳам ниятимиз шу.

— Энди, сумалакни асосан аёллар, ҳалимни эса эркаклар тайёрлаши-нинг сабаби нима?

— Тўғри, бизда сумалакни асосан аёллар тайёрлайди. Сабаби эса, сумалакни аёл киши, яъни Фотиима онамиз тайёрлаганликлари учун бўлса керак деб, ўйлайман. Лекин, эркаклар ҳам тайёрласа бўлади. Масалан, Тўқимачилик институтида ошпаз бўлиб ишлаганимда, талабалар учун 13 қозонда сумалак тайёрлаганман. Сирғали туманига кўчиб бординида ҳам уч-тўрт йил ўзим бош бўлиб, сумалак тайёрладик. Ҳозир аёлларнинг ўзлари бемалол эплашади.

— Маъмузининг асосий қисмига ўтсак. Ҳалим қандай тайёрланади?

— Ҳалимни асосан катта қозонда тайёрлашимиз аътиборга олиб, хисобни ҳам шунга мослаб қилсам, газетхонлар мени тўғри тушунишар деб ўйлайман. Демак, юз килолик қозонга олти-етти кило пахта ёғи солинади. Ег доғ бўлгандан кейин 4-5 кило пибз солиб, қиздирилади. Пибз қизаргандан сўнг 60 кг. гўшт солинади. Гўшт ҳам қизартириб, қовурилади. Қайнаб чиққандан сўнг, янчилган, яхшилаб ювилган 30 кг. чамаси бугдой солинади. Буларнинг ҳаммаси имкониятга қараб, албатта. Энди қозон тахминан ҳар 18-20 минута довлаб турилади. 9-10 соатда бугдой етилади. Бир-икки соатдан сўнг дамласа бўлади. Бу пайтда қозонда сув қолиши керак эмас. Агар ҳаммаси жойида бўлса, қозон очилганда таомнинг устини қатлам қоплаган бўлади. Агар сув қолган бўлса-чи? Сут қуйилганда ҳалим ағдарилиб тушади. Худди эски сут пиширилганда вивиб тушгандек. Буни бишлиш учун қозонни ёпишдан олдин, куракни тикиб кўрасиз. Агар масаллик тайёр бўлса, чўзилиб тушади. Энди қозонни ёпса бўлади. 3 соатлардан кейин ўчоққа ўт қалаб, қозон очилади. Энди сутни қуйса бўлади. Юқорида келтирилган масалликларнинг миқдорига қараб, бир бидон, 35-40 литр сут етади. Шу пайтгача қаттиқ бўлган бугдой сут қуйилгандан кейин юмшади, қолади. Ҳақиқий ҳалим тайёр бўлади. Шунчакам юмшоқ бўладики, «ҳалимдек юмшоқ» деган ибора шундан қолган бўлса керак. Шу масаллик тахминан 700 та лаган бўлади. Шу ўринда ҳалимни яна бир хусусиятига тўхтайсам. Ҳалим жуда ҳам баракали таом. Шунча йил ҳалим тайёрлаган бўлсам, ҳали бирор марта етмай қолганини кўрмаганман. Оз тайёрлангангиз ҳам, кўп бўлса ҳам натижа бир! Албатта ортиб қолади.

— Эшитишимча, ҳалимга фақат мол гўшти солинар экан. Бошқаси ярамайдими?

— Нега энди. Ҳалимга туянинг гўшти ҳам бўлади. Ёғ туянинг ўрқачида бўлади. Демак, ёғи ўзидан чиқади. Қўй гўшти ҳам ёмон эмас. Бугдой масаласига қелсак, энг яхшиси баҳорги бугдой бўлгани маъқул. Умуман олганда, ошпазлик касби пешонамга битилган экан, бундан буён ҳам элимизнинг яхши кўнларига баҳоли қудрат хизмат қилиб, халқимизнинг дуосини олиб юриш насиб этаверсин. Халқимизнинг топгани яхши кўнларига буорсин.

## ЯХШИГА ЯХШИЛИК ҚИЛСАНГ ҲАМ АЙТАДИ, ҲАМ ҚАЙТАДИ...



Ривоят қилишларича, қадим ўтган замонда кўнчиқар тоғ томонда ажиб бир қишлоқ бўлган экан. Одамлари бир-бирларига жуда меҳрибон, саховатли эканлар. Тоғ ён бағирлаб жойлашган қишлоқнинг исми-жисмига монанд бўлиб, «Чаман-қишлоқ» деб аталаркан. Айнан, баҳор кезлари дарактлар гулга кириб, гўё олпоқ турналар галаси қишлоқ узра кўнгандек кўринар экан. Салобатли тоғ чўққиларида кишин ёзин эримай турадиган қорлар тонгги кўш нурида ял-ял товланиб, ажиб бир манзара касб этаркан. Кишилари чорвачилик ва хўнармандчилик билан машғул экан. Қишлоқда отасидан қулоччилик хўнарини пухта эгаллаган Акбар устанинг доворуги атрофда машҳур бўлиб, эшигидан харидорларнинг қадамини узилмас экан. Устанинг ёлғиз ўғли Акобир ҳам сопол идишларга гул чизишда тенги йўқ экан. Вақти соати келиб вояга етган ўғлини уста Акбар қўшни қишлоқдаги Ойбарчин деган қизга катта тўю-томшалар билан уйлантирибди.

Ойбарчиннинг хусни-жамолидан, ахлоқ-одобидан, пазандалигидан ҳайратга тушмаган одам атрофда йўқ экан. Келиннинг қадамини кўтлуг, келиб устанинг шуҳрати янада ортибди. Аҳил бу оиланинг бирдан-бир армони уста Акбарнинг хотини Робия аянинг бегоблиги экан. Кўп йиллардан бери узоқ-яқин

дан қақирилган табиблар ҳам аянинг дардиغا айтарли шифо тополмай, қилган ҳаракатлари зое кетаркан.

Ойбарчин қайнонасини еру кўкча ишонмас, атрофидан парвона экан. У уй-рўзгор ишларидан бўш вақтларида хўнармандчилик ишларига қарашар, тоғ ён бағридаги булоқдан лой қориш учун сув ташиб келтираркан.

Бир йил қиш юмшоқ келиб, баҳор қишлоқ узра жамолини эрта кўз-кўз қилибди. Дов-дарактлар чаман гуллабди. Ўт-ўланларнинг тароватли ҳиди атрофни тўтибди. Ўшанда айна Наврўз кўнлари экан.

Бир куну Ойбарчин кўзасини кўтариб булоқ бошига борса, кичкинагина кийик боласи булоқ ўртасига тушиб, чиқолмаётган эмиш. Тўрт-беш қадам нарида турган онаси эса нима қиларини билмас, мунчо кўзалари ҳам қўрқув, ҳам нажот истаб жовдираб турарди. Ойбарчин кўзасини ерга қўйиб, кийик боласини булоқдан чиқариб юборибди. Она-бола бир-бирларини ялаб-юлкаб узоқлашиб боришаркан, дам-бадам Ойбарчинга қараб бош эгиб кўярмиш. Бўлган воқеани эшитган уста Акбарнинг келинига нисбатан ҳўрмати янада ошибди. Кўнлар кетидан кўнлар ўтибди. Ойбарчин булоқ бошига боришдан, кийик эса узоқдан уни кузатиб туришдан чарчамабди. Бир куну

га ўхшаш жағ-жағ, отқулоқ, ялғиз, исмалоқ каби ўтлардан териб, уларни яхшилаб майдалади. Сўнг тандирга ўт екиб сомса ёпибди. Бу антиқа таомни бутун оила аъзолари қатори қайнонасига ҳам едирди.

Эртаси куну Ойбарчин қайнонасидан хабар олгани уйга кирса, Робия ая ўрнидан туриб ўтирган, қўллари эса фотиҳада эмиш. Хурсанд бўлиб кетган келин шу куну қайнонасини етаклаб ҳовлига олиб чиқибди.

Шу-шу бутун қишлоқ аҳли Наврўз келиши билан баҳорнинг илк че-чакларидан шифобахш, дармондош сифатида кўк сомса тайёрлаб дастурхонларига тортадиган бўлишибди.

Бу бир ривоят. Аслида Оллоху таоло қудрати билан заминдан буй кўрсатиб чиққан ҳар бир гиёҳ инсон саломатлиги учун зарурлигини эслатиб турувчи ҳақиқатдир. Бу яхши ният билан қилинган ҳар қандай эзгулик қачонлардир яна яхшилик бўлиб қайтиши мўқаррарлиги ифодасидир.

Наврўза ЛУТФУЛЛАЕВА, «Хўқуқ» муҳбири



Келса гар Наврўзи олам, гаштин инсондан сўранг...

А. ТўРАЕВ олган сурат

Баъзи қавмларда Наврўз куну бир-бирига шакар ҳадя қилиш расм бўлган эди. Озарбоднинг ҳикоя қилишича, бунинг сабаби Наврўз куну Жамшид мамлақатида шакарқамиш пайдо бўлган.

(Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобидан.)







## 2002 ЙИЛНИНГ 21 МАРТИДАН ШАРҚ ТАҚВИМИ БЎЙИЧА ОТ ЙИЛИ БОШЛанаДИ

Бу вафодор жонивор ҳақида сўз юритмоқчи бўлсак, биринчи навбатда кўз олдимишга улуғ бобомиз Амир Темурнинг пойтахтимиздаги виқорли ҳайкали кўз олдимишга келади. Бобомизнинг буюк юришларида от энг вафодор ҳамроҳ бўлганлиги ҳақида тарихий асарларда кўп бор қайд этилган. От азалдан инсонга асосий улов сифатида хизмат қилган. Утмишга мурожаат қиладиган бўлсак, халқимизнинг ўлмас дoston ва ривоятларида от мард, жасур йигитларга ҳамроҳ сифатида таърифланади. Кексаларимизнинг айтишича, от йилида туғилган йигит-қизларнинг турмуши бахтли бўлади. Халқимиз буни отдаги вафодорлик, мардлик хислатларига йўйишади. От боқилган хонадонда кўт-барака бўлиши ҳақида нақл қилишadi. Бунда ҳам мантлик бор. От йилида туғилганлар билан бошқа мучалда туғилганлар турмуш қуришса, бахтли яшashi бор ҳақиқат. От йилида сув сероб бўлиб, ҳосил мўл, тўйлар кўп бўлади.

муносабатида ҳам кузатса бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқи ҳаётини отсиз тасаввур этиш қийин. Қандай шароит, ижтимоий-иқтисодий тузумда яшамасин, унинг қайсидир кўнгил риштала-ри, албатта, от билан боғлиқлигини халқимизнинг олқиш ва дуоларида ҳам билса бўлади: «тойчоғим», «той бола», «тулпорим», «тойчоқ», «отдек бақувват», «отдек илдам» ва ҳоказо.

Булардан ташқари эл орасида вафодор от ва чавандоз билан боғлиқ кўплаб ривоят, афсоналар ҳам юради.

Масалан, бир ривоятда Сурхондарёда вақти-соати етиб қаза қилган чавандознинг вафодор оти эгаси оламдан ўтгад

Кундузлари турли юртлардан келмиш чавандозлар билан кўпкари чопдим.

Неча бор отлардан йиқилдим. Кечалари тўйхоналарда чавандозлар билан гурунг қилдим. Чавандозлар дўмбира чалиб кўпкарилардан сўйлади, отлардан сўйлади, чавандозлардан сўйлади.

Узун киш кўпкарихона иш жойим бўлди, чавандозлар ҳамхонам бўлди, отлар биродарим бўлди. Ниҳоят қўқламда «От кишнаган оқшом» номли иккинчи қиссамни журналга кўтариб

ШАВКАТ РАҲМОН

### ОТГА ҚИЁСИЙ ҚАСИДА

*Шакла қамалиб қозган аманга, жисмида чайқалиб пишган қони бор, қуввату тусанинг қоринмасадир, баҳайбат нафасли, ҳорғин жонивор.*

*Сувиқдан йиртилган оғзи тегару майсалар қовжираб қолар адирда... Учалмас юксанинг отирлигидан — улкан қанотлари бўлган қадимда.*

*Мен сени эсладим қалтма гўдақ ҳам тўрт бола ташиниши кифтига ортиб, ҳамини парвозни кўмсаб яшаган, қўзлари гўссали, чиройли отим.*

*Ўзим ҳам анови қорабайирдай, қоним-да совиган, уйчан, беқапот, янор кифтларини пашшалар талар, қилларнинг юксини тортмаган бу от. Сағриси ялт отар хира ойдинди...*

*оқарган даладар, қуйган адирлар, улар ҳам қачондир парвозлар қилган, улкан қанотлари бўлган қадимда.*

*Ўхшатиб... ўйласанг оилар етмайди, от каби ўтласанг жойлар етмайди, ўлғудай ташинсан, чанқоқ босдига чил-чил сипиб оққан соилар етмайди.*

*Оқ-х, кўнгил, бир нафас отга айлансак, энг кўркам байталга маҳкам бойлансак, бир шоир келса-ю унинг шеърда энг бахтли, энг эркин зотга айлансак. Ҳўй, от деса, ҳўй, бахтиёр от, сиз — шоир, мен отга айлансак деса, оқ-х, кўнгил, хаҳ, кўнгил, ина нималарни тусайсан бесар.*

*Буюк тун тўлади ҳансироқларга, уларга қўшлар шоир саси-да, пўланар, айланар, мангу айланар нафаслар тўрт фасл доирасида.*

Ўзбекнинг халқ бўлиб шаклланиши, миллат сифатида буй кўрсатиши учун кўпгина қадрятлар муҳим аҳамият касб этади. Улардан бири от билан боғлиқ анъаналардир.

Ўзбек халқининг этник турмуш тарзига энг кўп сингиб кетган от билан боғлиқ тушунча ва айтимларни халқ оғзаки ижодида ҳам кўриш мумкин. Чунки инсоният маънавий-маданий ривожланиш тарихи саҳифаларини арақлаганда, от билан боғлиқ ибратли воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун от образи одамлар маиший-ижтимоий ҳаётидагина эмас, уларнинг ахлоқий-эстетик ва фалсафий дунёқарашларида ҳам муносиб ўринга эга. Дунё халқлари мифологиясида от образининг моҳияти турлича қарашлар орқали ойдинлаштирилади. Бинобарин, халқимизнинг қарийб уч минг йиллик маданий ёзма ёдгорлиги ҳисобланган «Авесто» китобида яхшиллик ва эзгулик тимсоли сифатида кўбш уқжур от эгаси сифатида таърифланади.

Отга сиғиниши билан боғлиқ бундай қадимий ёдгорликлар бизга қадар етиб келган халқ оғзаки ижоди намуналарида, айниқса, ёрқин намён бўлади. Ўзбек халқ мақоллари, қанотли иборалари ва жонли сўзлашув жараёни қўлланувчи сўз бирикмаларида бундай ҳолат тез-тез учрайди. Халқ кўшиқлари, афсона ва ривоятлари, эртақ ва достонларида от тимсоли ўзининг бек-такрор поэтик гўзаллиги билан ифодаланadi. Масалан, «Алпоммиш» достонинда Алпоммишнинг Бойчибор оти тулпор, бедов деб таърифланиши ҳам халқнинг бу жониворга бўлган ҳурматини кўрсатади.

Халқ турмушида от билан боғлиқ шунчалик кўп ирим ва удумлар мавжудки, улар инсоният маданияти, фан-техника юксалган XXI асрда ҳам ўзининг ижтимоий-маънавий моҳиятини йўқотган эмас. Чунони, ҳозир Ўзбекистоннинг жа-

нубий вилоятлари аҳолиси орасида от билан боғлиқ бир қанча иримлар борлигини кўриш



# ОТ — ЙИГИТНИНГ ҚАНОТИ

мумкин.

Чавандоз ўз отининг кечаси кавш қайтарганлигини кўрса жинни бўлиб қолиши, яъни отнинг парисиди, девни уни уриши муқимлиги ҳақида иримлар борлиги, отга исирқиқ тутатиш, унга худди яхши кўрган одамидай муомала қилиш, кўпкари, пойга пайтида бошига қамчи билан урмаслик каби анъаналар давом этиб келмоқда.

Отга сиғинишнинг давомийлигини чавандозларнинг ўз оти эгаржабдуқлари, югани, узанги-айиллари ва ниҳоят, тақаси кабиларга

сўв ичмай, емиш емай эгаси учун аза тутгани, бир кун арқонини узиб, чавандоз кўмилган қабристонга бориб, унинг қабри устига чўккалаганча жон берганлиги ҳикоя қилинади.

Ўзбек ёзувчилари ва шоирлари орасида от ҳақида ёзмаган ижодкорни топиш қийин. Ёзувчи Тоғай Мурод «Отамдан қолган далалар» асарига ёзган сўнгги сўзида шундай дейди:

«...Саттор чавандоз билан қишлоқма-қишлоқ юрдим. Тўйма-тўй юрдим. Кўпкарима-кўпкари юрдим.

келдим...»

Хулоса қилиб айтганда, от образи халқ тушунчаси ва дунёқарашида илоҳий маънога эга бўлиб, ҳамон яшаб келмоқда.

У қандай кўриниш ва қайси вазиятда бўлмасин, инсоният маънавий бойлиги, унинг миллий қадрятларидан бири сифатида ёш авлод тафаккурининг доимо уйғоқ бўлиши, миллий ифтихор туйғусининг барқарорлигига хизмат қиладди.

Саид АЛИМОВ, фольклоршунос олим

## ШУКУҲЛИ КУНЛАР

латимизга ҳос бўлган кексаларга ҳурмат, эҳтиром, уларнинг дуосини олиш, меҳр-муруват кўрсатиш каби хислатларни ифода этувчи саҳналаштирилган лавқалар, шеър ва кўшиқларга бой. Бу йилги томошаларнинг асосий мазмуни ана шу мавзу билан боғлиқ.

Дастурнинг муқаддима қисмида Наврўз тарихига алоқадор саҳна чиқишлари ўрин эгаллаган. Наврўз сайли, вилоятлар вакилларининг дастурлари, эстрада юлдузлари ва ёш санъаткорларнинг чиқишларида асосан тарихий анъаналар, халқимизнинг урф-одатлари, удумлари, миллий қадрятларини акс эттиришга ўрин берилди.

Наврўз тарихий байрам бўлгани билан, юртимизнинг тарихи билан боғлиқ саҳифалар ҳам томошаларда ўз аксини топади. Хусусан, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган саҳна чиқишлари ана шулар жумласидандир. Байрам дастури 6 қисмдан иборат бўлиб, асосий томошасида 2,5 мингдан ортқ киши иштирок этади. Умумий катнашчилар сони 10 мингга яқин.

Баҳорнинг бағри кенг, қарами катта. У қалбларимизга зиё беради, руҳимизга, вужудимизга энгиллик баҳш этади. Мана шундай шукуҳли кунлар юртдошларимизга муборак бўлсин!

Ж. МАХСУМОВ

**Аввал Шарқда баҳорий шаббода эсиб келади, бу — оламни безаш учун жаннат йўлини очади. Оқ ранг кетиб, ерга ипор тўлади ва ҳаммаёқни аргувон-алвон ранг эгаллайди, чунки олам чиройли безанмакни истайди.**

**... Япроғини тўккан дарахтлар яна яшил кийинади, ол, сариқ, кўк, қизил ранг билан безанади.**

(XI асрнинг ноидир

бдномаси «Кутаду

билиг»

асаридан.)

— Ҳақиқатан ҳам ҳар йили тантана қилинадиган Наврўз айёми халқимизнинг руҳияти, қалби, кайфияти, онидagi ўзгаришлар билан уйғун ҳолда бир-биридан кўп жи-

ҳатдан фарқланиб туради.

Мана бу йил ҳам 2002 йил мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан байрам тадбири мил-



# ГУЛЗОРЛАРГА БАХШ ЭТИБ ИФОР НАВРЎЗ КЕЛАЁТИР

## ЧОРЛОВ

Боғи баҳор йўллари — зар,  
Олча, ўрик гуллари — зар.  
Эллар жушқин, диллари — зар,  
Келгин Наврўз, кел Навбаҳор!

Сочиди тойдан жамалак,  
Кўзгайди қизлар сумалак,  
Ҳавас билан боқмиш малак —  
Келгин Наврўз, кел Навбаҳор!

Дилларга шодмонлик солиб,  
Мангу яша бизда қолиб,  
Ешлик баҳоримни олиб  
Келгин Наврўз, кел Навбаҳор!

Мансур АЛОВУДИНОВ



Ишқнинг шаробин ичдим, парвонамисан, эй дил,  
Шаробингдан сун соқий, майхонамисан, эй дил.

Вале ики дунё ҳеч, ики дунёда борман,  
Фано даштида мендек ҳайронамисан, эй дил.

Кўзимда ўзинг ҳар он, ҳар онимдан кечурман,  
Кетур чоғда ҳар лаҳза ҳар ёнамисан, эй дил.

Кўр ҳолимни, кўр мани, кўзим букун кўр мани,  
Томоша қил, сўр мани, дилхонамисан, эй дил.

Кўзим барги қон ичра, умидим ҳайрон ичра,  
Ёки сен ҳам мен киби вайронамисан, эй дил.

Аё соқий, сун шароб, бўлдиқ арш девонаси,  
Ишқ шаробин топмай сен девонамисан, эй дил.

ШАВКИДДИН

Ҳар замон ўтасиз беғам, бепарво,  
Нигоҳим кетади Сизга эргасиб.  
Юракка Сиз ёқиб кетган оловни  
Учирмоқчи бўлар кўз ёшим тошиб.

Қоғозга тўкилар бирма-бир,  
Бўғзимни куйдирган фўғоним.  
Илиниб яшайди умидларимга  
Сизга фидо этилган эсоним.

Баҳорим кузларга айланиб борар,  
Кунларим шу тахлит ўтади.  
Ҳеч қимга эзмаган мағрур бошимни  
Билмадим, не савдо кутади?

Азобда, соғинида, илинжда  
Яшайман эзилиб, дардимни ютиб.  
«Мўъжиза бўлмайди» дейишар, лексин,  
Умрим ўтиб борар мўъжиза кутиб...

Карима АШУРОВА

## ИСТАК

Ўйлагим келмайди ёмонлар ҳақида,  
Сўйлагим келмайди ҳазонлар ҳақида,  
Куйлагим келмайди армонлар ҳақида,  
Ахир бугун Наврўз, дўстгинам.

Ўтмишга дўнар қиш, боқиши паришон,  
Сувларда не таиши, оқиши паришон,  
Ёмғир кўз ёшими дилларча оишқнинг,  
Чечакка марварид тақиши паришон.

Қоқизул сарғаяр, дилида доғи бор,  
Бойчечак жилмаяр, болалик бегубор,  
Не қилса арзийди ушбу кун гул-чечак,  
Ушқи шу тупроқ, ушқи шу баҳор.

Қай кўнгли кўшида тож-тахтли бўлармиз,  
Ундан сўнг ўлгунча то аҳдли бўлармиз.  
Эртага... эртага биз бахтли бўлармиз,  
Ахир бугун Наврўз, дўстгинам!

Ҳасан КАРВОНЛИ

## ТЎРТЛИКЛАР

Қасалми, соғмисан, очми, тўқмисан,  
Умринг ўтаверар учган ўқсимон.  
Шул сабаб лаҳзанинг ўтказма бекор,  
Билмайсан, эртага борми-йўқмисан.

\*\*\*

Банда не сўраса беради Раҳмон,  
Боболардан қолган бу бир ақида.  
Афсус, кўнлар ҳатто чиқар чоғда жон  
Пул сўрар, қайгурмас иймон ҳақида.

\*\*\*

Кўнлар атрофингда гирдикапалак  
Кучга тўлиб жавлон урган онингда.  
Бошингга бир кулфат соларкан фалак  
Ҳақдин ўзга ҳеч қим қолмас ёнингда.

Йўлдош ПАРДА


## НАВРЎЗ КЕЛАЁТИР

Дилда қувонч — байрамдир бугун,  
Барча шоду хуррамдир бугун.  
Дўстлар бирга, ҳамдамдир бугун,  
Наврўз келаёттир.

Наво билан бошланмиш наҳор,  
Кўнгли тоза, қолмади губор.  
Гулзорларга бахш этиб ифор  
Наврўз келаёттир.

Ўйғонмоқда гиёҳлар, гуллар,  
Бахмал тўнин қиймоқда чўллар,  
Эзуликдан мастона диллар,  
Наврўз келаёттир.

Дилдора ИБРОҲИМ қизи



## ОЛТИН ҚОЗИҚ

Ўғлим ёқди бир жуфт кўчат  
Баҳор чоғи чекиб «захмат».  
Яратиб кўп, сўлим боғлар  
Ҳали элдан олар раҳмат.

Ёқилган бу олма, ўрик...  
Отин кўйдик «олтин қозик».  
Фаровонлик гувоҳи — боғ,  
Бир асрга берар озик.

Холмўмин ШУКУРОВ

## ЯХШИ НИЯТ



— Бобожон, нега да-  
рахт шохларини кесиб  
ташляптисиз?

— Наврўз келаяпти,  
ўғлим, дарахтларни бу-  
таб, кўчат экиш пайти  
келди.

— Наврўз келса кўчат  
экиш керакми?

— Қутлуғ кўннинг  
удумлари бу, атроф ора-  
сталанади, ҳовли-боғлар  
тартибга келтирилади,

кўчатлар экилиб, дов-дарахтларга ишлов берилади, болам.  
— Бўлмаса, Наврўз яхши экан-да, бобо. Ҳамма ёқ топ-тоза бўлса.  
— Албатта-да, болам. Қани кел-чи, икковлашиб бир гайрат қилайлик!

— Мен эккан дарахтлар ҳам ка-а-атта бўладими?  
— Бўлмасам-чи, сен каттариб йиғит бўлганингдай, эккан ниҳолинг ҳам бир кунни дарахт бўлиб, мева беради.

— Бобожон, энди-чи, мен ҳар Наврўзда кўчат экман, боғ қиламан.  
— Баракалла, ўғлим! Илоҳим ниятигга етгин.

Соҳиба ҲАЙИТБОЕВА

## НАВРЎЗ ЯНА

Наврўз келди, бу дунёнинг яшарди умри яна.  
Бул гўзал хушхабарни етказди қумри яна.

Келди деймиз, кетди деймиз тозарши фасли яна.  
Нурга тўйди, ҳаққа етди одамзот насли яна.

Озод юртим боғ-роғлари қайтадан обод яна.  
Неча йиллик азобларим бўлдилар барбод яна.

Бобом кўрган оғир кўнлар афсона, дoston яна.  
Асли чин бўстон эрди, қайтадин бўстон яна.

Бурканибди гул-майсага ул сўлим боғлар яна.  
Офтоб ила айлар гурун юк солиб тоғлар яна.

Губор кетсин ҳар кўнгидадан, қолмасин армон яна.  
Қайда бўлса омон бўлсин яхши-ю ёмон яна.

Кўҳна дунё гулзоринда ўзлимиз ўздек яна.  
Наврўзим деб яшнагайлар ёшариб ўзбек яна.

Исматулла ЙЎЛДОШЕВ

## КУЙЛАМОҚ ИСТАЙМАН

Ўзбегим, мен сенинг оддий гулгинман,  
Боғингда куйловчи шўх булбулинман,  
Қаддинг тикла, дея айтган сўзингман,  
Мен сени куйламоқ истаймман.

Ёруғ чироқ тундинг йўлимизга сен,  
Келажакни бердинг қўлимизга сен,  
Аллоҳ нурин солдинг дилимизга сен,  
Мен сени куйламоқ истаймман.

Ёруғ кўнларингни кўрмоқ истагим,  
Боғингдан долалар термоқ истагим,  
Шу юртда Нодира бўламоқ истагим,  
Мен сени куйламоқ истаймман.

Мен сени куйламоқ истаймман,  
Қалбда бахтиёрлик барқ урган дамда.

Раъно ҚУРБОНОВА

## ЎЙҒОНСАМ ТОНГ САҲАР

Ўйғонсам тонг саҳар, эрталаб  
Ўлкамга келибди гўзал қиз — Наврўз.  
Қалдирғочлар баҳор саломин айлаб,  
Гуллар шабнам билан чаяр эмиш юз.

Байрамга ҳозирлик кўрган қизчадай  
Ям-яшил кўйлагин киийибди диёр.  
Ошиқлар қалбига малҳам бўлгани  
Нозик бир куртакдек очилар баҳор.

Ўйғонсам тонг саҳар, эрталаб  
Ўлкамга келибди Наврўз — гўзал қиз.  
Ҳусни-ла заминга бахш этиб чироқ,  
Сочар исмалогу бойчечак, ялпиз.

Адолат ХУДОЙБЕРГАНОВА



● **БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИГИЛИШИДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ**

Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг катта йўлига чиқиб олди. Эндиги вазифа – айрим тўсиқларни бартараф этиб, белгиланган режаларни амалга оширишдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида бу ҳақда юртбошимиз алоҳида тўхталиб ўтди. Йиғилишда ўтган йилнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунлари чуқур таҳлил этилибгина қолмай, келгусидаги устувор вазифалар ва йўналишлар ҳам белгилаб олинди.

тижада давлатга кўп миқдорда зарар етказилган.

Ушбу аниқланган ҳолат юзасидан «Нукусгазтаъминот» корхонаси маъсул-мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва ҳозирги вақтда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ҳўжайли туманида яшовчи А.Ешанов хусусий автоустахонасига газ қувурини ўзбошимчалик билан улаб, «Хўжайлигаз» корхонасига 300 минг сўм моддий зарар келтирилгани аниқланди.

бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Аммо, айрим кимсалар фақат ўз чўнтақларини ўйлаб қолишяпти.

Тўрткўл шаҳри деҳқон бозори худудига фуқаро С.Самандаровага қарашли хусусий ошхона фаолияти текширилганда, ошхона раҳбари ҳеч қандай ҳужжатларсиз табиий газ тармоғини улаб олиб ишлаётгани аниқланди. Фуқаро Жабборов ашхона куриб ҳеч қандай ҳужжатсиз ўзбошимчалик билан газ қувурига резина шланка улаб ёнгин хавфсизлигига зид фойдаланиб келган. Натижада «Тўрткўлгаз» кор-



**М. ХАДЖИЕВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
прокуратураси умумий назорат  
бўлими катта прокурори

«лар газ қувурларидан ўзининг иссиқхонасига, ошхонасига, уйга ноконуний йўллар билан фойдаланаётганини кўрган фуқаролардан биронтаси «ҳой, сен нима қилаясан?» демаган. Шаҳар ва туман газ таъминоти раҳбарларини-ку қўяверинг. Уларни бу ишлардан беҳабар десак, хато ўйлаган бўламиз. Уларда «табиий газ давлатчи бўлса, мендан кетаяптими?» деган ўй ҳукмор. Агар улар шундай деб ўйлашаганида эди, айрим фуқаролар йиллаб табиий газдан ноконуний фойдаланмас эди. Қардаки раҳбарнинг виждони жигилдонга айланса, халқ мулки ўша ерда талон-торож бўлади. Туман ва шаҳар газ таъминоти бошқлиқлари бир нарсага эслатиб қўймоқчимиз: газнинг ҳам эгаси бор.

# ГАЗНИНГ ҲАМ ЭГАСИ БОР

«Нукусгазтаъминот» корхонасига 81 минг сўмлик зарар келтирилган. Нукус шаҳар, Орол кўчасида жойлашган «Нодирабегим» хусусий фирмаси бошлиғи ҳам ноконуний йўл билан давлатга 111 минг сўмлик моддий зарар келтирилгани аниқланди.

Бу қонунбузарликлар «Нукусгазтаъминот» корхонаси маъсул-мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик билан қараб, уни лозим даражада бажармаслиги ва қонунбузарликларни бартараф этиш чораларини кўрмаслиги оқибатида келиб чиққан. Натижада

Ушбу ҳолат бўйича А.Ешановга нисбатан МЖТКнинг 101-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иши қўзғатилди ва 300 минг сўм моддий зарарни «Хўжайлигаз» фойдасига ундириш тўғрисида фуқаролик судига даъво аризаси киритилди.

Кўнғирот туманида яшовчи фуқаро Ж.Қидиров иссиқхонасига ўзбошимчалик билан газ қувурини улаб олганлиги учун қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Бозорлар юрт тўкинчилигидан ниҳона берадиган маскан. Кейинги йилларда бозорларнинг сөрфайз

хонасига 31 минг сўм миқдорига зарар етказган. Ушбу «тадбиркор»лардан «Тўрткўлгаз» корхонасига етказилган моддий зарарлар ихтиёрий қопланилди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текшириш натижасида 19 шахсдан 418 минг сўм моддий зарар ихтиёрий қопланилди ва келтирилган 1 млн. сўмдан ортқ моддий зарарни ундириш тўғрисида судларга 20 та даъво ариза киритилди ва 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Энг ажабланарлиси шундаки, биз номларини келтирган «тадбиркор-

Юртбошимиз ичимлик сувидан, табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланишда ҳали ҳам кўп жойларда ўзибўларчилик ҳоллари юз бераётгани ҳақида куйиниб гапирди. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан табиий газдан фойдаланиш тартибини белгилувчи қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширишлар шунки кўрсатдики, айрим фуқароларимиз табиий газдан ноконуний йўллар билан фойдаланмоқдалар. Масалан, Нукус шаҳрининг Хўжайли гузарига жойлашган «Баҳром» хусусий фирмаси раҳбари иситиш тизимини газ қувурига ўзбошимчалик билан улаб олиб, табиий газдан ноконуний фойдаланиб келган. Натижада



Олий Мажлисининг иккинчи чакриқ еттинчи сессиясида «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Маъзур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Президентимиз Исролом Каримов Ўзбекистонда ривожланган сугурта хизматлари бозорини яратиш зарурлигини таъкидлаб: «Бунинг учун аввало сугурталаш фаолиятига халқит бераётган тўсиқларни бартараф этиш, жисмоний шахслар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш зарур. Бизга зарурат турилганда одамларни қўллаб-қувватлай оладиган энг паст фоиз ставкали сугурта ташкилотлари зарур», деган эди.

Кўриниб турибдики, ушбу қонун фуқаролар манфаатига тўлиқ хизмат қилиши лозим. Шу сабабли амалдаги «Сугурта тўғрисида»ги Қонунни қайтадан кўриб чиқишдан асосий мақсад уни ҳозирги кун талабига мослаш, амалиётда юзага келган муаммоларни бартараф этишдир.

Лекин, шунки айтиб ўтиш лозимки, янги қабул қилинаётган қонун амалдагисидан сугурта фаолияти устидан давлат назорати инспекциясининг ваколатларига кенгрок аҳамият берилганлиги билан фарқ қилади.

**Қонун лойиҳасининг 3-моддаси биринчи хатбошидаги «мукофотлардан» сўзи «бадаллардан» деган сўз билан алмаштирилса, тўғри бўлади.** Чунки, сугурта қилдирувчи сугурталовчига сугурта мукофоти эмас, балки сугурта бадали тўлайди. Шундан сўнг шартнома кунга кирди.

4-моддада сугурта фаолияти

# СУГУРТА ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Кейинги пайтда мамлакатимизда сугурта хизмати кўрсатишни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга, давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда сугуртанинг мавқеи ва ўрнини белгилаб берувчи, сугурта хизматларига бўлган талабларнинг тўлиқ қондирилишини кафолатловчи бу соҳага тааллуқли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

субъектлари санаб ўтилган, аммо унинг объектлари ҳақида сўз юритилмаган. Булар, албатта, бири-бирини тўлдириб турувчи тушунчалар бўлганлиги сабабли бири иккинчисини инкор қилмаган ҳолда сугурта объектлари ҳам ёритилиши лозим эди. Ундан ташқари, баъзи ҳолларда сугурта қоидаларида сугурта қилинмайдиган объектлар ҳам кўрсатилган. Агар шундай объектлар ҳақида қонунда умумий тушунчалар берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Лойиҳанинг 7-моддаси «сугурта агент»и деб номланган, Менимча, шу моддани «сугурта вакили» деб номлаш маъқувор.**

Бу ўзбек тили қоидаларига ҳам мос келади.

Ушбу Қонуннинг 9-моддаси бироз маъхумроқ туюлади, у сугурта соҳалари ва турлари (класслари) деб номланган. Бу модда сугурта соҳаси эмас, балки «сугурта турлари» деб аталиб, уларни икки турга, яъни ҳаётни сугурта қилиш ва умумий сугурта қилишга ажратиш, сугурта шакллари эса ҳозирги кунда амалда бўлган ихтиёрий, мажбурий ва давлат мажбурий сугурта шаклларида иборат, деб аниқ ёзиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу моддада сугурта турлари маъхум

берилган бўлиб, «Сугурталарнинг турлари ва класслари махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади», дейилган. Юқоридagi жумланинг ўзидa бир сўзни икки хил маънода ишлатишга йўл қўйилган, яъни ушбу модданинг диспозициясида сугурта соҳалари ва турлари (класслари) деб ёзилиб, «класс» сўзи «турлари» маъносидa таржима қилинган, охириги жумлада эса, «Сугурталарнинг турлари ва класслари махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади», дейилган. Демак, бу ерда турлари ва класслари сўзлари бир маънони аналтас-да, иккита бир хил сўзлар ҳар хил маънода нотўғри қўлланилган.

**«Сугурта фаолияти тўғрисида»ги янги Қонунга «Сугурта тўловларини ҳисоблаш» деб номланган модда киритилиб, у «Сугурта ҳодисаси рўй берганда сугурта тўловларини ҳисоб-китоб қилиш икки томоннинг келишуви асосида амалга оширилади», деб таърифланса мақсадга мувофиқ бўлади.**

Сугурта фаолияти, албатта, шартнома асосида амалга оширилади. Шу сабабдан қонун лойиҳасида шартномалар тўғрисида умумий тушунча берилиши ло-

зим. Шу билан бирга, амалдаги қонунда шартнома тушунчаси, шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш, сугурта тўловларини тўлашни рад этиш асослари, шартномани тўхтатиш каби тушунчалар мавжуд ва уларнинг бу қонун лойиҳасидан тушириб қолдирилганлиги, бизнингча, асосидадир.

Юқоридa айтилганлардан ташқари, «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунда сугурта ходимларининг, айниқса, сугурта вакиларининг сугурта шартномаси тузиш вақтида йўл қўйган камчиликлари ёки сугурта шартномасини асосис равишда ҳақиқий эмас деб топган ҳолларда, шунингдек, сугурта тўловларини тўлашни асосис рад этган тақдирда, сугурта ҳодисаси ҳақидаги далолатномада қасддан нотўғри хулоса бериш ҳолатлари учун тегишли жавобгарлик масалалари белгиланиши лозим.

Ва ниҳоят, қонун лойиҳасида «сугурта ҳодисаси», «сугурта тўлови», «сугурта пули», «сугурта тоғони» каби сўзларга умумий тушунча берилиши лозим, чунки бу сўзлар нафақат қонунда, балки Фуқаролик кодексидa ҳам ёритиб берилмаган. Ваҳоланки, бу иборалар сугурта шартномасининг асосий мазмунини ташкил этади.

**М.АМИНЖОНОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси Қонунчиликни  
мустаҳкамлаш муаммолари ва  
прокурор-тергов ходимлари  
малакасини ошириш Маркази  
илмий ходими

# ОМОНАТГА ХИЁНАТ БЎЛМАСИН

Олий Мажлис томонидан умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг эълон қилиниши айни халқимиз дилидаги гап бўлди.

Мен ўзим ушбу қонун лойиҳаси билан танишиб чиқиб, ҳуқуқшунос сифатида куйидаги фикр мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.


Қонун лойиҳасининг 4-моддасида фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондини тузиш ва бу фондининг мақсади кўрсатилган. Унда ёзилишича, «Фонд фаолиятининг мақсади банкнинг банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қақриб олинган тақдирда (банк қайта ташкил этилган ҳоллар бундан мустасно), омонатлар бўйича ҳақ тўлашни ушбу Қонунда назарда тутилган шартларда ва миқдорда кафолатлашдан иборатдир», дейилган.

Ушбу моддада гўёки ҳозирги вақтда фаолият юритувчи банкларнинг лицензияси қақриб олинган тақдирдаги банк фаолияти тугатилгандаги фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш кафолатлангандек кўринади.

Менимча, ушбу қонунда ҳозирги вақтда фаолият юритаётган банклар томонидан фуқароларнинг омонатларига хиёнат қилиш, омонат маблағларидан ноконуний йўллар билан фойдаланиш, омонат маблағларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида «омонатларни кафолатлаш учун ҳаракатдаги банкларнинг жавобгарлиги кучайтирилиб, бу қонун йўли билан мустаҳкамланади», дейилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**М.КУРБАНБАЕВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
прокуратураси  
терговчиси

● КРОССВОРД



**ЭНИГА:** 6. Ҳаё, ибо. 8. Дунёдаги энг чуқур ботиқ. 9. Синф. (русча). 11. Муסיқий йўналиш. 13. Асосан хотин қизларга нисбатан айтилидиган сўз. 14. Вақт ўлчови. 15. От. 16. Товушнинг қайтиши. 17. Кўпчилик ичидан сайлаш учун кўрсатилган шахс. 18. Судралиб юрувчи ҳайвон. 20. Тезликни ўлчайдиган асбоб. 21. Пулинг халқ тилидаги айтилишларидан бири. 23. Юридик ҳужжат. 24. Фармон, буйруқ. 25. Қийин, мушкул. 28. Автомобиль ҳалокати. 33. Урта асрлардаги маърифат масканлари. 35. Яна ичимлик. 37. Электр токи билан шуғулланувчи. 38. Оққўз, ебтўймас. 39. Европадаги митти давлат. 42. Ишладан бош тортиш. 44. Айёр, мугомбир. 46. На жаннат, на дўзах. 48. Товуш, овоз, ун. 50. Афсона. 51. У - бу нарсаларни қўйиб учун девордан ўйиб ишланган махсус жой. 54. Эски, ифлос пахта. 56. Сув йўли. 59. Маълум иш ёки соҳани бошқарган лавозимли киши. 60. Билан. 61. Халқаро ташкилот (русча). 62. Урта Ер денгизини қизил денгиз билан боғловчи канал. 63. Ҳақиқий, тоза. 64. Юз, бет. 65. Қон томирида ивиб қолган лахта қон. 66. Жанубий-шарқий Осиёдаги давлат. 67. Ўсимлик тури.

**БҮЙИГА:** 1. Материк. 2. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат. 3. Ўғил болалар исми. 4. Мўйнали жонивор. 5. Табиат ҳодисаси. 6. Бирор предмет ёки жойдан маълум вақт фойдаланиш. 7. Ут(ўсимлик)нинг русча номи. 9. Геометрик шакл. 10. Нефть маҳсулоти. 12. Тинчлик рамзи бўлган қуш. 13. Эрондаги шахар. 19. Сайёҳларни шахарнинг хушманзара жойлари билан таништирувчи шахс. 22. Тогнинг тик жойи. 26. Отлар тўдаси. 27. Мўътабар зот. 29. Айланб ҳаракатланувчи техника қисми. 30. Пайгамбарлардан бири. 31. Бирор маҳсулот ёки хизматга бериладиган ишонч. 32. Емгирдан кейин пайдо бўладиган табиат ҳодисаси. 34. Аёллар тақинчоғи. 36. Нутқнинг образли ифодаланиши. 40. Ишора. 41. Африкадаги дарё. 42. Йиртқич қуш. 43. ... рози — худо рози. 44. Олтин олма. ... ол 45. Олд Осиёдаги давлат. 46. Ибн Сино туғилган қишлоқ. 470 Чойнинг инглизча номи. 49. Тузсиз пишадиган таом. 50. Хориж хонандаси. 51. Катта йўл. 52. Гиёҳванд модда тури. 53. Бурж. 55. Шишага жойлаштирилган суюқ дори. 56. Буддизмдаги табақа. 57. Данагидан мағзи ширин. 58. Мос, муносиб.

Тузувчи: Ф. МАМАШАРИПОВ

● ФУТБОЛ

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ ЯШИЛ МАЙДОНГА

Ўлкамизда яна баҳор. Уни интиқ бўлиб кутган кўнгиллар масрур. Гул, гунча, ёмғир, камалақдан бошқа бу қувончнинг яна бир боиси бор. Ҳар йили баҳорда футбол бўйича мамлакат чемпионатига старт берилади.

Шундай қилиб, 16 март кuni олий лига жамоалари 1-тур учрашувларини ўтказишди.

«Насаф»-«Нефтчи»-2:0, «Сўғдиёна»-«Андижон»-2:1, «Трактор»-«Пахтакор»-0:1, «Самарқанд»-«Машъол»-2:1, «Қизилқум»-«Кўкун-1912»-3:0, «Зарафшон»-«Металлург»-0:0, «Бухоро»-«Навбахор»-2:1, «Дўстлик»-«Сурхон»-3:1.

Биринчи турдан сўнг «Насаф» 6 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Ҳайрон бўлаётгандирсиз? Гап шундаки, апрель ойи бошларида Осиё чемпионлари кубогида қатнашиш учун Техронга сафар қилиши муносабати билан «Насаф»нинг 3-турдаги «Металлург» билан ўйини 10 март кuni ўтказилиб, унда қаршилиқлар 2:0 ҳисобида голиб чиқишган эди. Мухлислар учун яна бир «сюрприз» «Темирийўли»нинг ўз номини ўзгартирганидур. Ўзбек футболлари айнан 1912 йили Қўқонда пайдо бўлгани боис жамоа номи энди юқоридагидай аталди.

Кимлар чемпионлик учун курашади? Кимлар шунчаки... Бу йил футболимиз сависки кўтарилармикан? Чемпионатни изчил кузатиб борсангиз, барига гувоҳ бўласиз.

ДОНОЛАР ЕМИШКИ...

Ҳар тунинг Қадр ўлубон,  
Ҳар кунинг ўлсун Наврўз.

Алишер Навоий

Симобдек будуддин  
ёғар настарин  
Бундан яшнаб кетар  
қир, лола, чаман  
Лоладек қадаҳға  
гулгун шароб қуй,  
Бинафша ранг булут  
тўқар ёсуман.

\*\*\*

Эрта тонг лолага  
шабнамки теғар,  
Чаманда бинафша  
бўйинини эғар.  
Рост айтсам гунчадан  
жуда розиман,  
Чунки у кўтарур  
на этак, на бар.

\*\*\*

Бир ғариб кўнглини  
қила олсан шод,  
Яхшидир ер юзин  
қилгандан обод.  
Лутфинг-ла бир дилини  
қул қила олсанг,  
Афзалдир юз қулни  
қилгандан озод.

Умар Хайём

\*\*\*

Фасли навбахор ўлди,  
келибон зимистонлар,  
Дўстлар, ғаниматур,  
сайр этинг гулистонлар.

Фурқат

● АНА ХОЛОС

КЎНГИЛ ТИНЧИДИ

Сантяго шаҳри ҳокимлиги маданият ва истироҳат боғидаги буюмларни арзон нархда сотишни ташкил этди. 48 ёшли Мануэл Гарес бир скамейкани сотиб олиб уйига келтирган, оила аъзоларининг кўз ўнгига ёкиб юборди. Пулга олган нарсасини нега ёқди экан, деб ҳайрон қолаётгандирсиз.

Гап шундаки, бундан 25 йил муқаддам Мануэлнинг хотини кули кўкка совирилган худди шу ўриндақда унга турмушга чиқишга розилик берган экан.

● МУТОЙБА

ТЎПЛОВЧИ

Машҳур тўпловчи Фалончи Пистончиев телефон орқали қилган илтимосимни ерда қолдирмади. Чоршанба кuni соат учда у мени ўз кабинетида кутадиган бўлди. Белгиланган пайтда у кишининг хузурига кириб бордим.

— Марҳамат, ўтиринг, — деди у совуқуна мулозамат билан, — хўш, хизмат?  
— Фалончи ака, мен туман газетасиданман. Газетхоналаримизнинг илтимосини инобатга олиб, сизнинг ижодий фаолиятингиз тўғрисида мақола бермоқчи эдик.  
— Ижодий фаолиятим жуда қизиқ бошланган. Бир кuni уйда ўтирарканман, дафъатан стол тағидаги бир даста эски газеталарга кўзим тушиб қолди. Уларни титқилай туриб беҳосдан «Қатра хандалар» деган сатрлар диққатимни ўзига тортиди. Шу пайт миямда ярқ этиб «шуларни тўпласам қандай бўларкан», деган фикр туғилди. Мен уларни кўчириб олиб, қайта ишладим.  
— Кечирасиз, қайта ишладим деганингизга тўлиқ тушуномладим.  
— Э-ҳе, бу жуда қийин иш, — деди у, — газетатағи Валижонни Алижон деб, Ҳалимжонни Салимжон деб, Боқижонни Соқижон деб қайта ишлаганман. Сўнг уларни оққа кўчириб, газетга элтиб бердим. Бир ҳафтадан кейин босиб чиқаришди, яхшигина қалам ҳақи ҳам тўлашди. Шундан кейин мен аслида шу тўпловчилик касби учун дунёга келганимни дил-дилдан ҳис этиб, ишга берилиб кетдим.

— Хандалардан бошқа жанрларга ҳам қўл урганмиксиз?  
— Ҳа, албатта, фақат хандалар билан чекланиб қолсам, нима деган одам бўлардим. Ўзбек халқ мақоллари, шарҳ мақоллари каби бир қанча китобларни йиғиб, «Тўпланган мақоллар» деган номда чоп эттирдим. Уларни ҳам юқорида айтганимдек, қайта ишлаб чиққанман.  
— Шериятга қандай муносабатдасиз?  
— Шерият бу жаҳоир, ука, ха-ха, том маънода жаҳоир. Мен халқ ёдидан кўтарилиб кетган шеър ва қўшиқларни ҳам тўплаб кичик бир китобча ҳолида нашр эттирганман. Кейин бир таққослаб кўрсам, «Хандалар» ва «Тўпланган мақоллар» деган китобларим учун тўланган қалам ҳақи шу кичик китобча учун тўланган ҳақнинг ярмича ҳам бўлмас экан. Шунинг учун ана бир бор таъкидлаб айтманки, шерият бу жаҳоир, ука.  
— Фалончи ака, агар сир бўлмаса, келажакдаги режаларингиз ҳақида ҳам бирикки оғиз сўзлаб берсангиз.  
— Келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар, режалар жуда кўп. Биринчи навбатда жаҳон адабиётининг барча нодир шеърый асарларини қайта ишлаб чоп эттирмоқчиман.  
Сўнгра у кўрсатгич бармоғи билан мени ўзига яқинроқ келишга имлади-да, қўломга секингина шипшиб қўйди;  
— Эшитдингизми, яқинда шеърларнинг ҳар қаторига тўланадиган ҳақ икки баробар ошади деган миш-мишлар бор. Шу гап ростмикан-а?

Йўлдош ПАРДА

● ДУНЁ ҚИЗИҚ



НАПОЛЕОННИНГ НОМИ ТИЛЛАРДА

Кимосди савдоларида Наполеоннинг шахсий буюмлари тез-тез сотилиши ҳақида кўп эшитганимиз. Бироқ Париж яқинидаги Фонтенбло қалъасида уюштирилган аукцион бошқаларидан фарқ қилади. Бир пайтлари императорнинг қароргоҳи бўлган қалъада унга тегишли бир йўла 400 та буюм сотувга қўйилди. Улар орасида шахсий буюмлардан ташқари Наполеон Муқаддас Елена оролида фойдаланган бронза идиш-товоклар,

суратлар, бор. Бошланғич баҳоси 9-12 минг еврога тенг бўлган Наполеоннинг батист кўйлаги 63 мингга сотилди. Аукционларда камдан-кам учрайдиган баҳонинг бу қадар юқори кўтарилишига қўйлақнинг ўзига ҳис тарихи сабаб бўлди. Уни соҳиби вафот этган кuni императорнинг шахсий кўриқ-чиси мамлук Али яшириб қолган эди. Шундан сўнг қўйлақ оилавий ёдгорлик сифатида Алининг авлодларида сақланиб келган. Аукционларда императорга тегишли нарса ва буюмлар

орасида Наполеоннинг соч тоналари кўп учраса-да, кўп ҳолларда улар сохтадир. Бироқ, ушбу савдога қўйилган соч тоналарининг ҳақиқийлиги га шуьба йўқ, уларни императорнинг шахсий сартароши Дюплан қирқиб олиб, кейинчалик малика Евгенияга тухфа қилганлиғи ҳақида ҳужжатлар мавжуд. Дунё қизиқ экан-да. Бир пайтлар дунёга донғи кетган Наполеоннинг номи ҳали-ҳануз тилларда, гарчи аукционлар билан боғлиқ бўлса ҳам...

ТУРФА ОЛАМ УРФА ОДАМЛАР 136 ФАРЗАНДНИНГ ОТАСИ

Фарзандларига туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олиш нимабавилик 68 ёшли Туме Назукиказига роса ташвиш келтирди. У 136 нафар ўғил ва қизларини шахардаги ЗАГС бўлимига олиб бориш учун 3 та автобус буюрди. Бироқ ЗАГС ходимлари икки кун роса ишлашиб Туменинг 62 нафар фарзандига ҳужжат турғилай олишиди, холос. Оиладаги аҳволни ўрганиш учун шахар ҳокимлиги билан ЗАГС ходимлари қарамон отанинг уйига ташриф буюришди. Туме 24 нафар хотини билан мезбонларни кутиб олди. Шаҳар ҳокимлиги вакилининг саволига «қарамон ота» оиласига битта хўқизнинг гўшти 3-4 кунга етишини айтди. Бироқ Туме турмушдан нолимайди. Нима ҳам дердик. 24 нафар хотини ва 136 нафар фарзандни эплаган Тумегга шон-шарафлар бўлсин, деймиз.